

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

СЕРҚУЁШ ДИЁРИМИЗ НЕЪМАТЛАРИ

хорижликлар дастурхонини ҳам безамоқда

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда вилоятимизнинг ташқи иқтисодий алоқалар географияси шу қадар тор бўлганки, бу ерда бор-йўғи 5 мамлакат билан савдо-сотиқ муносабатлари йўлга қўйилган, холос. Аини пайтда йирик саноат корхоналари қатори тадбиркор ва фермерларимиз ўз маҳсулотларини дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилмоқдалар.

Зотан, дунёда ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудрати биринчи галда унинг экспорт салоҳиятида акс этади. Қулай инвестиция муҳитининг яратилиши ҳамда бир қатор саноат лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида сўнгги йилларда экспорт таркибига қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Давоми 2-бетда.



Эътироф

Маълумки, республикаимизда юритилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳатто, жаҳон иқтисодиётидаги жиддий инқироз шароитида ҳам мамлакатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш имконини берди. Жаҳон бозорларида ана шундай глобал мураккабликлар кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистон қўлга киритаётган кенг қўламли муваффақиятлар халқаро ишбилармонлар ҳамжамиятида юқори баҳолашга сазовор бўлмоқда.

Мамлакатимиз муваффақиятлари дунё нигоҳида

Масалан, "Mitsubishi Corporation" корпорацияси бошқаруви аъзоси Хидето Накаҳара "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси чоғида Ўзбекистон дунёнинг жадал ривожланаётган мамлакатларидан бири ҳисобланишини алоҳида таъкидлади. Унинг эътирофи эътиборга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамаздан, Ўзбекистон макроривожланишнинг юқори суръатларини намоён этмоқда. "Бу мамлакатда узоқ муддатга мўлжалланган тараққиётнинг самарали стратегияси танланганини яна бир қарра тасдиқлайди", деди япониялик ишбилармон.

У мамлакатимизда бизнес очиш ва уни юритиш учун қулай шароитларни яратиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётганини изчил иқтисодий ривожланишнинг муҳим омиллари сифатида тилга олди.

Натижада, миллий иқтисодиётга жалб эти-

лаётган хорижий сармояларнинг ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда, жаҳон бозоридagi рақобатга бардошли бўлган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган кўпдан-кўп корхоналар барпо этилмоқда, — деди Хидето Накаҳара. — Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, саноатда замонавий технологияларнинг қўлланилиши юзасидан кўрилаётган чоратадбирлар узоқ муддатли истиқболда ҳам иқтисодиёт ўсишининг изчиллигини сақлаб қолиш имконини беради.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда қўлга киритаётган муваффақиятлар бизни қувонтиради. Япония Ўзбекистон билан стратегик шериклик муносабатларини юксак даражада қадрлайди. Биз ўзбек шерикларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни қўллаб-қувватлаш ва уни ривожлантириш ниятидамыз.

"Жаҳон" АА,
Токио.

Қулайлик

Ёз бошланиши билан кўпчилик дам олиш кунлари табиат қўйнида ҳордиқ чиқаришга ҳаракат қилади. Ахир, чилланинг жазираси кунларида сўлим жойларда дам олишга нима етсин!

ОЛТИ МИНГ СЎМГА ЧОРВОҚҚА БОРАСИЗ

Аҳолининг дам олиши ва саёҳат қилиши билан боғлиқ шароитларни яхшилаш, уларни минтақанинг тарихий ва маданий мероси билан яқиндан таништириш мақсадида "Чимён – Чорвоқ" рекреацион зонасида янги лойиҳалар амалга оширилаётган. Кўни кеча "Orzu Trans" компанияси сайёҳаракати билан "Тошкент – Чорвоқ" йўналишида автобус ҳаракати йўлга қўйилгани мазкур лойиҳаларнинг натижасидир. Сайёҳлар тили билан айтганда, энди Тошкентдан Чорвоққа бир кадам.

Автобус ҳар куни "Қўйлик" бозоридан бош бекатдан соат 8:30, 14 ва 18 да, Чорвоқдан Тошкентга эса соат 6, 11 ва 16 да йўлга тушади. Чипта нархи бир томонга киши бошига 6 минг сўм. 50 кишилиқ шинам автобусдаги кондиционер сайёҳларга ҳузур ба-

ғишлайди.

— Кўпинча, ёз ойларида оиламиз билан вилоятдаги дам олиш масканларида бир ҳафта ҳордиқ чиқарамиз, — дейди Самандар Каримов. — Ҳар томонлама қулай сервис хизмати, гўзал жойларга саёҳат, муҳими, соқинлик кишига ўзгача ҳузур ва куч бағишлайди. Илгари саёҳатга чиқишда транспорт муаммоси қийнард. Янги автобус қатновининг йўлга қўйилганидан хурсанд бўлдик. Автобуснинг шинамлиги ва чипта нархининг ҳамёнбоплигини айтмайсизми?

Ҳақиқатан ҳам яхши ҳордиқ чарчоқни олади. Қолаверса, турмушининг фаровонлашаётгани одамларда табиат манзараларидан баҳраманд бўлиш, мароқли ҳордиқ чиқариш истагини тобора кучайтираётган.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



«ЗАРБУЛОҚ» ИБРАТИ

Маҳалла идорасида навбатдаги қабул-ни ўтказган Гулчеҳра опа ҳудуддаги умумтаълим мактабига йўл олди. Мактаб маъмурияти билан шу ҳафтада битирувчи қизлар ва уларнинг оналари билан режалаштирилаётган давра суҳбатининг ташкилий жиҳатларини маслаҳатлашиб, Сари чўққи кўчасига қараб юрди. Шу кўчада истиқо-

мат қилаётган Саодат Тожиева кеча ўзининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан ёрдам беришни сўраган. Масалани ҳал этиш учун банк ва солиқ идораларининг маҳаллий вакиллари ҳам таклиф этган. Улар кўмағида бу масала ҳам ижобий ечимини топди. Кўнгли тўлган опа яна идорага қайтди...

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

Бу манзара Олмалик шаҳридаги "Зарбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулчеҳра Шокированинг иш фаолиятдан бир шингил, холос. Аслида маслаҳатчи зиммасидаги вазифаларнинг қўламли ниҳоятда кенг.

— Маҳаллани – Ватан ичра кичик бир Ватан, деб бежиз айтишмаган.

Бугунги кунда ҳудудимизда 390 дан ортиқ хонадон бўлиб, турли миллат ва элатга мансуб 1800 дан зиёд аҳоли аҳил-иноқликда истиқомат қилмоқда. Уларнинг 600 га яқинини воёга етмаган ёшлар ташкил этади, — дейди Г. Шокирова. — Маҳаллада давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда аҳолини аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя

қилиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига яратилган имконият, имтиёз ва преференциялар мавзусида солиқ ва банк ходимлари иштирокида суҳбатлар ташкил этилди.

Дарҳақиқат, маҳаллада ибрат олса бўладиган

ишлар кўп. Масалан, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида оилавий тадбиркорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига яратилган имконият, имтиёз ва преференциялар мавзусида солиқ ва банк ходимлари иштирокида суҳбатлар ташкил этилди.

Давоми 3-бетда.

Хафталик

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўни муносабати билан ўтказадиган экохафталик яхши анъанага айланди.

ТАБИАТНИ АСРАШ – ҲАЁТНИ АСРАШ

Мазкур сана муносабати билан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Тошкент Давлат аграр университетида "Табиатни муҳофаза қилиш соҳасида эришилган ютуқлар, муаммолар, ечимлар ва соҳа ривожланишининг истиқболлари" мавзуда матбуот анжумани ўтказди. Унда Ўзбекис-

тон Республикаси Фанлар академияси, Тошкент вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Чотқол биосфера қўриқхонаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят бўлими, ННТ миллий ассоциацияси ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Давоми 2-бетда.

ЁШЛАРНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман, шаҳар ҳамда ҳудудий

кенгашларининг VII ҳисобот-сайлов конференциялари олдидан матбуот анжумани ўтказилди.

Конференция

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б. Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидор ва қобилиятини тўла намоён этиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати 4 миллиондан зиёд ёшни, унинг

"Қамалак" бўлими эса 2 миллиондан зиёд ўғил-қизни ўз сафида бирлаштирган. Ноёб ташкилий тузилмага эга ёшлар ҳаракати умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлиари, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда ёшларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб шаклланишига яқиндан ёрдам бермоқда.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ни-

зомига кўра, ҳисобот-сайлов конференцияси ҳудудий ва маҳаллий кенгашларнинг олий органи бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳар кенгашларида 2,5 йилда камида бир марта қаърилади.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ёшларни Ватан равақи йўлида бирлаштириш, уларни ҳар томон-

лама етук инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган қўллаб-қувватлаш ҳаёти татбиқ этилмоқда. Ҳисобот-сайлов конференцияларида ушбу лойиҳалар натижалари таҳлил этилади.

Матбуот анжуманида июнь-июль ойларида ўтказилган ҳисобот-сайлов конференцияларини юқори савияда ташкил этиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, йиғит-қизларни иш билан таъминлашга қўмаклашиш борасида бошланғич ташкилотларнинг масъулиятини кучайтиришга оид масалалар ҳусусида сўз юритилди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

А. ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.

□ Спорт

Вилоятимизда турли спорт фестиваллари ва мусобақаларининг ташкил қилинаётгани ёшлар ўртасида дўстона алоқаларнинг мустақамлланиши билан бир қаторда уларда ўзига бўлган ишончни янада ошироқда.

Яқинда ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Ўрта Чирчиқ туманида ўтказилди. 2001-2002 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ташкил этилган бокс бўйича вилоят очик турнири тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилиши билан бошланди.

Болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган мазкур замонавий иншоотнинг ёпиқ спорт зали, ўйингоҳ ва бошқа спорт майдончалари мусобақалар учун шай ҳолатга келтирилган. Мустақиллик байрамигача тумандаги таълим муассасаларида яна учта замонавий спорт зали фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

— Бундай спорт маскан-

ларининг бунёд этилиши, болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун яратилган имкониятлар ёшларда спортга бўлган қизиқишнинг янада ортисига ҳисса қўшмоқда, — дейди вилоят бокс феде-

рацияси ташаббуси билан "Соғлом бола — юрт таянчи" шiori остида ташкил этилган мазкур спорт турнирида Тошкент вилояти шаҳар ва туманлари, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор вило-



ТҲЙТЕПАДА БОКС БАЙРАМИ

рацияси раисининг ўринбосари Раҳматхон Тиллаев. — Рағбат, эътибор ҳамда доимий машқлар натижасида спортчи ёшларимиз халқаро майдонларда ҳам кўплаб ғалабаларни кўлга киритишмоқда.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва унинг ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда вилоят бокс феде-

ятлари ҳамда Қозоғистондан жами 70 нафардан зиёд ёш спортчи ўн икки вазн тоифасида ўзаро куч синашди.

— Болаларнинг ғалабага интилишларини кўриб, улардан бўлажак Жаҳон чемпионлари ётишиб чиқишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим, — дейди Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зарифа Эралиева. — Зеро, ўз мақсади

йўлида собитлик ва матонат билан олға бораётган ёшларимиз истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, келажакда юксак марраларни забт этишлари шубҳасиз.

Қизгин ва мurosасиз баҳсларга бой кечган мусобақа якунларига кўра, Ўрта Чирчиқ тумани вакиллари умумжамоа ҳисобидан ғолибликни кўлга киритдилар.

— Бундай мусобақалар

биз учун тажриба майдони бўлиш билан бир қаторда, янги дўстлар орттириш имконияти ҳамдир, — дейди мусобақа ғолиби, қозоғистонлик Саед Есеналиев. — Ўзбекистонда спортга, айниқса, болалар спортига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, ўзбек спортчиларининг халқаро майдонларда кўлга киритаётган ютуқлари бежиз эмаслигини кўрсатиб турибди.

Мусобақа якунида "Адолат" СДП марказий кенгаши томонидан вилоятда спортни, хусусан болалар спортини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган бир гуруҳ спорт мурабийларига, шунингдек, 20 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига эсдалик совғалари топширилди.

Фарход ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

□ Дарвоқе

Гўё қозғоз юпқалиги мисол нозик тилимлардан иборат бўлган чипслар кўпчиликнинг севимли маҳсулотига айланиб улгурган. Ҳозирда энг оммалашган "фаст-фуд"лар орасида айнан ана шу маҳсулотни учратиш мумкин. Хўш, чипслар инсон организм учун фойдалими?

Фойдасидан зарари кўп

Чипс ва газли ичимликлар зарарли маҳсулотлар ичида энг юқори ўринларда туради. Унинг таркибида углеводлар, ёғ, туз, бўёқ ва таъм берувчи моддалар мавжуд. Картошқа бундай пиширилганида ўзидаги барча фойдали хусусиятларини йўқотди. Ундаги юқори калория, ортқича туз суюқларнинг ўсишига тўсқинлик қилиб, шишларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Истеъмолчиларнинг айримларида қон босимининг кескин кўтарилиб кетиши, юрак билан боғлиқ бўлган муаммолар вужудга келгани аниқланган.



Унинг таркибидаги гидроген ёғлар саратон касаллигини чақиритиш хусусиятига эга. Организмдаги холестерин микдорининг ошиши, юрак хуружи, инфаркт ва атеросклерозни келтириб чиқаради. Сунъий озуқавий бўёқлар ва зираворлар эса аллергияга сабаб бўлади.

Унинг ягона ижобий томони қорин оч ҳолда, айниқса, вақт кам бўлганда истеъмол қилиш мумкин ва бу инсон кайфиятини кўтариш хусусиятига эга. Агар чипс уй шароитида сифатли картошқадан тоза ўсимлик ёғида тайёрланса, унинг зарари бир мунча камаяди. Мутахассисларнинг маслаҳатига кўра уни қатик ёки кефир билан истеъмол қилиш мумкин.

Ф. ТОЛИПОВ.



Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлодининг замонавий таълим-тарбия олиши, ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб улғайиши йўлида алоҳида эътибор ва ғамхўрлик қўрсатилаётгани таъкидланди. Ўқувчиларнинг бўш вақти, ёзги дам олиш кунлари ҳар томонлама мазмунли ўтишини таъминлаш борасида барча чора-тад-

бирлар кўриломоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги "Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастурил-амал бўлаётир.

Тошкент вилояти касаб-ушмалари ташкилот-

□ Ёз — 2016

Тошкент марказий темир йўл вокзалида Паркент ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги "Бойчечак" ҳамда "Меҳрхон" оромгоҳларига ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун Хоразм вилоятидан келган 450 нафар бола кутиб олинди.

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ СИФАТЛИ ТАЪЛИМ КАФОЛАТИ

лари бирлашмаси кенгашидан маълум қилишларича, жорий йилги мавсумда вилоятдаги 20 стационар оромгоҳда 15 мингдан зиёд бола ҳордиқ чиқаради. Хусусан, мавсум давомида Оролбўйи минтақасидан 1 минг 250 ўғил-қизни ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш режалаштирилган.

— Тошкент вилоятидаги оромгоҳларга иккинчи

март келишим, — дейди Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 2-умумтаълим мактаби ўқувчиси Озода Шомуродова. — Ўтган йили инглиз тили машғулотларининг фаол иштирокчиси бўлиб, мактабда аъло баҳоларга ўқишни давом эттирган эдим. Бу йил нафақат чет тили, балки спорт тўғрисида ҳам иштирок этаман.

Оромгоҳларнинг тиббиёт ходимлари, тўғарак

раҳбарлари, тарбиячи ва етакчиларга бўлган талаби ўрганилиб, етарли даражада мутахассислар жалб қилинди. Таълим-тарбия ва соғломлаштириш ишларини юқори даражада ташкил этиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш ва бошқа зарур чора-тадбирлар йўлга қўйилди.

И. АВВАЛОВ,
ЎЗА мухбири.

□ Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Кўҳна Шош ва Илоқнинг қадимий шаҳарлари ҳақида кўп ҳикоя қилдик. Чирчиқ дарёсининг юқори қисми ва Охангарон воҳаси қадимий шаҳарлари тарихига оид мақолаларимиз ўқувчиларни қувонтирган ва руҳлантирган бўлса ажаб эмас. Бугун эса, Чирчиқ

Улкантўйтепа биринчи марта олимлар томонидан 1875 йилда ўрганилди. Туркистон археология ихлосмандлари тўғраги аъзолари қадимий Улкантўйтепага бир неча марта сафар қилишди. Олимлар араб манбалари маълумотларига таяниб, Ўрта асрдаги Нукет ўша қадимий Улкантўйтепа шаҳри экан, деган хулосага келишди.

Қазилмалар натижасида, Тарих музейининг археологик фонди кўҳна шаҳар ашёларининг бутун бошли коллекцияси билан бойиди. Булар VIII-X асрларга тегишли турли сирланмаган идишлардир. Жумладан, кам учрайдиган нақшли, цилиндр шаклидаги, бўғзи кенг ва ингичка, қизғиш лойдан туз хумсимон шаклда ясалган кўзалар, чироқлар ва бошқа уй-рўзгор буюмлари шулар жумласидандир. Улар орасида XI-XII асрларда тааллуқли ашёлар ҳам оз эмас.

Улкантўйтепа олимларни кўп бора "сыйлади". Топилмалар орасида чавандознинг расми туширилган идиш алоҳида ажралиб туради. Қадимий расомнинг юксак маҳорати чавандознинг мардонавор қиёфаси ҳамда нақшлар уйғунлигида яққол акс этиб турибди. Шунингдек, музей фондида Улкан-

ҚЎШ ДАРЁДАН СУВ ИЧГАН ШАҲАР

тўйтепадан топилган бошқа ноёб осориатқалар, хусусан, симобкўза, қадимий усталар шиша ва металлдан ясаган пардоз-андоз буюмлари идишлари, тамакидон, носқовок ва мис кўзалар сақланмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўҳна шаҳарнинг асосий нуқтаси — бир гектар майдонни эгаллаган ҳарбий иншоотнинг деворлари VI-VII асрларда қурилган бўлиб, бир неча бор таъмирланган. Тўғри бурчак шаклидаги шаҳристоннинг майдони 20 гектар. Деворнинг қалинлиги айрим жойларда 10 метрга етди.

Қадимий шаҳарнинг умумий майдони у гуллаб-яшнаган йилларда 180 гектардан ошган. Бу ердан XI-XII асрларда зарб этилган танга пуллар ҳам топилган.

Олимлар, шунингдек, шаҳардаги қадимий қабристонларни ҳам илмий асосда ўрганишлари ва бу Улкантўйтепа аҳолисининг маънавий маданияти, диний ва

дафн маросимларини тўла тасаввур этиш имконини берди. Топилган деярли барча ер усти сағаналари VI-VII асрларга тааллуқли бўлиб чиқди.

Кўлга киритилган археологик материаллар Улкантўйтепа (Нукет) X асрдаёқ Илоқ давлатининг энг йирик савдо-хунармандчилик марказига айланганидан далолат беради.

Нукет (Улкантўйтепа) шаҳрининг энг гуллаб-яшнаган даври XI-XII асрларга тўғри келади. Бинкетдан Тункетга, у ёқдан Фарғона ва Уструшанга боровчи қаровонлар шу шаҳарга кириб ўтган. Бир неча муҳим савдо-иқтисодий трассалар шу ерда кесишган. Улардан бири Чирчиқ дарёсининг юқори қисмидан бошланиб, Бинкет (Тошкент), Нукет (Хонобод), Балаан (Юқори Чирчиқ тумани) ва Нукетда ажралиб, ғарб томон давом этган. Ғарбий йўналиш Худойкет (Оқўрғон тумани маркази) орқали Ўрта асрдаги Шошининг икки йирик шаҳри —

ва Охангарон дарёлари ораллиғидаги, Тошкент воҳасининг маркази мақомига даъвогарлик қилган йирик шаҳарлардан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Бу — ҳозирги Ўрта Чирчиқ тумани маркази бўлган Тўйтепанинг шимоли-ғарбидаги қадимий Улкантўйтепа шаҳридир.



Ҳарашкет (Қанқа) ва Бинокет (Шохруҳия)га, сўнгра Сирдарё кечуви орқали Самарқанд трассасига чиққан.

Иккинчи йўналишдаги тармоқ Бискет (Пискент)га, Самарқанд (Бўқа)га ва Охангарон водийсининг бош йўли (Эски Олмалик — Ангрен йўли)га олиб борган. Тункет (ҳозирги Пискент туманидаги Қирққиз) орқали Илоқ пойтахти Тункет (ҳозирги Обиз қишлоғи)даги Қўжисим — X-XI асрлардаги муҳим кони (ҳозирги Лашхара) —

га чиқилган. Буюк Ипак йўлининг қадимий тармоқланиш трассасида жойлашган Улкантўйтепа — Нукет Илоқнинг савдо-иқтисодий ҳаётида, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этган.

Дарвоқе, халқ орасида Улкантўйтепа — Нукетдан Ҳарашкет (Қанқа)га лагандаги паловни қандай қилиб қўлма-қўл узатишгани ҳақидаги ривоят сақланиб қолган. Тўй маросими иштирокчилари бир қатор бўлиб туришиб, қозондан янги

сузилган паловни Нукетдан куёвнинг Ҳарашкетдаги уйига қўлма-қўл узатишиб, иссиқ ҳолида етказишган. Ваҳоланки, Нукет билан Ҳарашкет ораси 45-50 километр бўлган. Агар ош ҳақиқатан ҳам шунча масофага иссиқ ҳолда етказиб берилган бўлса, 50 километрни сафда қанча одам турганини қан?

Аммо муҳими бу эмас. Ривоятнинг мазмун-моҳияти ва унга яширинган ғоя одамларнинг ғоят юксак даражада биродарлашганида. Ушбу асл биродарлик бутун бошли шаҳарлар ва халқларни бир-бирига яқинлаштирган, жипс-лаштирган, тинч-тотув ва дўст-биродар бўлиб яшашга ўргатган. Шош ва Илоқнинг тараққий этган шаҳарлари бу қадар кўп бўлганининг сабаби шу эмасми? Зеро, бундай кўҳна шаҳару кўрғонлар ўз бағрида кўплаб сир-синаотларни сақлаб келадик, буларни бир сўз билан Хотира деб аташ мумкин. Ҳаётда мустаҳкам таянч ва суянчга эга бўламан деган кишига хотира сув билан ҳаводек зарур.

Ҳозирги Тўйтепа яқинидаги қадимий шаҳар қолдиқларидан шундай куч-қудрат яширин. У ўзининг буюк ўтмишдоши, қадимий ва аjoyиб Нукет шаҳридан тарихий ва маънавий меросқўрлик эстафетасини қабул қилиб олган. Бугун у Улкантўйтепа дея аталмоқда.

Зарифа ЭШМАТОВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.



Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Маъзиялимиз:
100000.
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@uamail.uz

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Хисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи
Юлдузхон МУХИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ